

## Техника қудрати

Давлат қудратининг муҳим тамойилларидан бири унинг қуролли кучларидир. Қуролли кучлар эса техникаси ва унга бўлган муносабати билан аҳамиятлидир.

✘ Бугун 27 декабр 2017 йил институтимизга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси Ўқув бўлими бошлиғи подполковник Мурод Тавбаев, бўлим ходими, подполковник Алишер Таваккалов, “Зирҳли ва автомобил техникаларнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш” кафедраси ўқитувчилари подполковник Азамат Тавбаев, подполковник Мадаминжон Саримсоқов, подполковник Мирсаид Туробов ҳамда “Чет тиллар” кафедраси доценти Абдураимова Шоҳида, ушбу кафедра ўқитувчиси Гулшода Абдуллаева, “Олий математика” кафедраси Эркин Эсоновлар фан таълим ва амалиёт борасида ўзаро ҳамкорлик, тажриба алмашиш учун ташриф буюрдилар.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси Ўқув-бўлими бошлиғи подполковник Мурод Тавбаев институт Ўқув-методика бошқармаси бошлиғи муовини Азамат Табаев билан биргаликда ўқув жараёни ҳақида фикр алмашдилар.

Академия “Чет тиллар” кафедраси доценти Абдураимова Шоҳида ва кафедра ✘ ўқитувчиси Гулшода Абдуллаева институт “Чет тиллар” ҳамда “Инглиз тили” кафедралари фаолияти, ўқув режа ва дастурлари билан танишдилар. Академия “Олий математика” кафедраси ўқитувчиси Эркин Эсонов институт “Иқтисодиёт ва менежмент” факультети декани Олим Кучаров билан ўзаро фикр алмашишди.

“Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети декани Эркин Фармонов, “Машиналардан фойдаланиш ва таъмирлаш” кафедраси мудири Асқар Эгамбердиев, “Трактор ва автомобиллар” кафедраси мудири Мансур Омоновлар Академиянинг ўқитувчилари подполковник Азамат Тавбаев, подполковник Мадаминжон Саримсоқов, подполковник Мирсаид Туробовларни кафедралар фаолияти, моддий-техник базаси, амалиёт ускуналари билан яқиндан таништиришди. Айни пайтда уларнинг ўзлари ҳам ишлатиб кўришди.

**Ўқув-методика бошқармаси методисти Мафтуна Тошева ахбороти**

**Институт матбуот котиби: Раҳимбой Жуманиёзов**